



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 18 январь, № 12 (5432)

Чоршанба

## СТАТИСТИКА ТИЗИМИ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда кенг қўламли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий илохотлар амалга оширилмоқда. Эришилаётган улкан ютуқлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётгани барчамизни қувонтиради.

### Қонун кучга кирди

Сир эмаски, мазкур муваффақиятлар статистика маълумотлар орқали ўз ифодасини топади. Давлат статистикасининг мақсади ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил этиш, статистика ахборотини такомиллаштириш, иқтисодий таҳлилларни янада чуқурлаштириш ҳамда жаҳон андозаларига мос халқаро стандартлар асосида фаолият олиб боришдан иборатдир. Бинобарин, бу соҳа ривожига юртимизда алоҳида эътибор қаратилиб, унинг қонунчилик асослари ҳам такомиллаштириб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати тўғрисидаги статистика маълумотлар йиғиш, умумлаштириш, тарқатиш ва сақлаш билан боғлиқ барча ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинди, давлат статистикасини ташкил этиш тартиби белгиланди. Бу эса жаҳон андозалари асосида давлат статистикасини ташкил этишдаги ёндашувлар яхлитлигини таъминлаб берди.

Маълумки, ўтган давр мобайнида иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

(Давоми 2-бетда).



## Маҳаллийлаштириш: ИМКОНИЯТ, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ДАРОМАД

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш саноат ривожини таъминловчи муҳим омилдир. Шу боис бугун мамлакатимиздаги кўплаб корхоналар хорижий энг илғор, тежамкор ва замонавий технологиялари билан жиҳозланиб, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилмоқда. Бунинг ижобий натижаларини биргина автомобилсозлик саноатимиз учун булғовчи ва эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи корхоналар сони тобора кўпайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

### Ислоҳот



(Давоми 2-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Навоий шаҳрида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

### Тадбир

Вилоят ҳокимлиги, республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими, вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Навоий давлат педагогика институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.

Давра суҳбатида давлатимиз раҳбарининг ушбу китобида мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши тарихи билан боғлиқ муҳим воқеалар ҳақида ишончли маълумотлар жамлангани, жумладан, истиқлолга эришиш жараёнида Ўртбошимиз юрсатган жасорат ва матонат акс этгани алоҳида таъкидланди.

— Президентимиз китобида миллий истиқлолга эришишнинг мураккаб жараёни, демократик давлат барпо этиш йўлида узққни кўзлаб олиб борилган халқчил сиёсатнинг мазмун-моҳияти,

(Давоми 2-бетда).

### Биз ва жаҳон

Берлин минтақавий 4-сайёҳлик ярмаркаси доирасида Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур тадбир мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси томонидан "Wörlitz Tourist" сайёҳлик компанияси кўмагида ташкил этилди.

## Юртимиз сайёҳлик салоҳияти Берлинда тақдим этилди

2008 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинадиган Берлин минтақавий сайёҳлик ярмаркасида Берлин ва Бранденбург ҳудудидида фаолият юритадиган сайёҳлик фирма ҳамда компаниялари ўз мижозларини янги таклифлар, сайёҳлик йўналишлари билан мунтазам таништириб боради. Навбатдаги ярмаркада минтақанинг 70 дан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари қатнашди.

Мамлакатимиз сайёҳлик бозорига яқинда ўз фаолиятини бошлаган "Wörlitz Tourist" компа-

нияси ушбу ярмарканинг ташкилотчилиги ҳисобланади. 2011 йили мазкур компания иккита сайёҳлик гуруҳи учун Ўзбекистон бўйлаб саёҳат уюштирган эди. Жорий йилда ҳам яна бир нечта гуруҳнинг юртимизга ташрифи режалаштирилган.

Германия пойтахтида жойлашган Бизнес марказининг Анжуманлар залида ўтказилган тақдимот маросимида давлат иштирокчилари ва кўп сонли меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакат бўйлаб

### Қайта ишлаш афзалликлари

Швот туманида мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослаштирилган "SV-Shovot" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

### Хоразм

Бунинг учун 105 минг АҚШ доллари ва 100 миллион сўм маблағ эвазига Австриядан илғор технологиялар келтирилди. Ҳозир

бу ерда 15 нафар ишчи-му-тахассис томонидан 7 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Корхона жамоаси қисқа муддатда 70 миллион сўмлик мева-сабзавот консерваларини буюртма-

чиларга етказиб берди. Умуман, туманда 2011 йил давомида 42 та тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилди.

### Фермер корхонасини янгилади

Қибрай туманидаги "Чинобод Мираҳмедов Шўхрат" фермер хўжалиги қошидаги сутни қайта ишлаш корхонасида 300 миллион сўмлик модернизациялаш ишлари амалга оширилди.

### Тошкент вилояти

Хусусан, бу ерда ҳозир замонавий дастгоҳлар ёрдамида кунига 2,5 тонна сут қайта ишланиб, истеъмолчиларга 10 турдан ортиқ сифатли маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Шунингдек, хўжаликда Германиядан келтирилган 64 бош наслдор қорамол парваришланапти.

Таъкидлаш ўринлики, 2011 йил мобайнида тумандаги чорвачиликка ихтисослаштирилган 4 та хўжаликка чет давлатлардан 359 бош зотдор қорамол келтирилди. Бу туманда ўтган йили 8500 тонна гўшт, 25 минг тоннадан ортиқ сут етиштирилишида муҳим омил бўлди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР ЯНАДА КЎПАЯДИ

2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар барпо этиш кўлами янада кенгайтирилиб,

8 МИНГ 510 та оилага шундай уйлар топширилиши мўлжалланмоқда.

Замонавий уй-жойлар қурилиши суръатининг йил сайин ошиши Президентимиз ташаббуси билан соҳанинг моддий-техник базаси қувватларининг ортиб бораётгани, шунингдек, қишлоқ аҳолисига шаҳардагидан қолишмайдиган шароит яратишдек эзгу мақсадлар йўлида изчил ислохотлар амалга оширилаётганининг самарасидир.

### Навоий

Қизилтепа туманидаги Ванғози қишлоғида муҳташам савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

## Ванғозининг муҳташам мажмуаси

Бунёдкорлик ишлари тадбиркор Қодир Бозоровнинг 300 миллион сўм маблағи ҳисобидан амалга оширилди. Ҳозир кўшқаватли мазкур мажмуадан меъбел ишлаб чиқариш цехи, маиший техникаларни таъмирлаш устaxonаси, сартарoшxона, гўшт дўкони ва супермаркет ўрин олган. Хайрли ташаббус натижасида 60 га яқин киши иш билан таъминланди.

Туманда 2011 йилда 100 дан зиёд маиший хизмат объектлари томонидан аҳолига 3 миллиард 219,7 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилди.

А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Қисқа сатрларда

● УЧҚУДУҚ туманидаги "Гўзал-гулнафис" хусусий корхонасида кийим-кечак маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун тадбиркор Илмира Қочканова ўз ҳисобидан 15 миллион сўм сарфлади.

● ШўРЧИ туманидаги "Соатова Мафтун" корхонасида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа амалга оширилди. Ҳозир бу ерда ойига 35-40 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

● САМАРҚАНД архитектура ва қурилуш институтида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси вилоят бошқармаси ҳамкорлигида тармоқда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг билуми ва малакасини ошириш йозасида ўқув-семинар уюштирилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



### Бухоро

Қорақўл туманидаги "Назирбек" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини кенгайтириб, пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

## Минитехнологиянинг катта улуши

— Бунинг учун бизга банк томонидан ажратилган 30 миллион сўмлик кредит қўл келди, — дейди тикувчиликка ихтисослаштирилган корхона раҳбари Б. Абдиева. — Ўз сармомиясини ҳам қўшиб, минитехнология харид қилдик. Дастлабки йигирма миллион сўмлик маҳсулотни буюртмачиларга етказдик.

Ўтган йили вилоят бўйича тадбиркорлик субъектларига 36 миллиард сўмликдан зиёд микрокредитлар ажратилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Сурхондарё

Термиз шаҳридаги "Термиз келажак кўрки" корхонасида деворларни пардозлашда қўлланиладиган бўёқлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

## Термиз бўёқлари

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўм сарфланди. Айни пайтда бу ерда ойига 20-25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бунёдкорлик жамоалари ва яққа тартибда уй-жой қурувчиларга етказиб берилмоқда.

Вилоятда ўтган йили қурилиш маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган 8 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# СТАТИСТИКА ТИЗИМИ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда кучга кирган "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун бу борада ниҳоятда аҳамиятлидир. Негаки, маъмур Қонун билан давлат статистикаси органининг ваколатлари янада аниқлаштирилиб, давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ягона статистика услубиятини ҳамда давлат статистика кузатувларининг шакллари ишлаб чиқиш ва жорий қилишда ҳамда

статистика кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишончилиги ва ҳолиселигини, шунингдек, статистика ахборотидан фойдаланиш эркинлиги ва очиқлигини таъминлашда янада самарали тизим шаклланишига кенг имконият яратилди.

Қонунга киритилган яна бир муҳим ўзгартиш, бу — статистик кузатувлар доирасида статистика органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини қисқартиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу статистика тизими фаолияти самарадорлигининг янада ошиши, ҳўжалик

юртутвчи субъектлар, жумладан, кичик корхона ва микрофирмаларнинг молия-ҳўжалик фаолиятига нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шубҳасиз, ҳозирги кунда замонавий халқроқ статистика амалиётида маълумотларни йиғишнинг илғор усулларини жорий этиш изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳисоботни тақдим қилувчи ҳўжалик юртутвчи субъектлар статистика органларига тегишли ҳисоботни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда бажаришлари назарда ту-

тилган. Чунончи, ушбу тартибда юртимизда 22 турдаги давлат статистика ҳисоботлари шакллари электрон имзодан фойдаланган ҳолда қабул қилиш йўлга қўйилди. Шу муносабат билан Қонунга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган нормалар киритилди. Натижада қўшимча статистика маълумотларини электрон шаклда йиғишнинг илғор усулларидан фойдаланиш ва статистика маълумотларини тайёрлаш тезкорлиги ҳамда сифатини оширишга эришилди. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тад-

биркорлик субъектларининг статистика органларига статистика маълумотлари ҳамда ҳисоботларини тақдим этиш механизми такомиллаштирилди.

Маъмур Қонуннинг қабул қилиниши асосида давлат статистикаси ваколатли органининг мутлақ ваколатлари белгилаб берилди, Қонуннинг айрим моддалари ва нормалари ўртасидаги қарама-қаршиликлар бартараф этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу Қонун давлат статистика тизими фаолиятининг самарадорлиги, статистика маълумотларининг тезкорлиги ва сифатини янада ошириш учун хизмат қилади.

**Мавлуда НИШОНОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутати.

# ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

мустақиллик ўз-ўзидан, оsonлик билан қўлга киритилмагани асосли далиллар, ҳаётини мисоллар асосида очиб берилган, — дейди Навоий давлат педагогика институтининг тарих фани ўқитувчиси, профессор Мансур Олтинов. — Ўта мураккаб, халқнинг эртанги кунга ишончи йўқолган бир шароитда Ислам Каримовнинг қатъияти, жасорати ва матонати туфайли халқимиз мустақил тузум кишанларини парчалаб, миллий истиқлолга эришди.

Тадбирда муҳим тарихий аҳамиятга эга ушбу китобни юртошларимизнинг ижтимоий дунёқарашини кенгайтириш, тафаккурини юксалтириш нуктаи назаридан теран тадқиқ қилиш, китобда баён этилган ғоя ва қарашларни Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида илгари суртилган фикр-мулоҳазалар, белгилаб берилган вазифалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлиги қайд этилди.

**Ёркул УМАР,**  
ЎЗА мухбири.

# Юртимиз сайёҳлик салоҳияти Берлинда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир аввалида ўзбек халқининг тарихи, маданияти ҳамда аъналарини, республиканинг қадимий шаҳарлари, меъморий ёдгорликлари, диққатга сазовор сайёҳлик масканлари, шунингдек, йилнинг ҳар бир фасли давомида Ўзбекистонда мазмунли хордиқ чиқаришнинг кенг имкониятлари тўғрисидаги атрафлича маълумотлар қатнашчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасининг ривожини, тақдир этилаётган сайёҳлик йўналишларининг ранг-баранглиги ҳамда янги замонавий меҳмонхоналарни барпо қилиш, мавжуд меҳмонхона ва сайёҳлик мажмуаларини модернизациялаш юзасидан республикамиз раҳбарияти томонидан қўрилган чоралар тақдир ҳақидаги маълумотлар ҳам ярмарка ишида қатнашган сайёҳлик фирма ва компаниялари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, "Wörlitz Tourist" сайёҳлик компаниясининг директори д-р Ульрих Бастек "Жаҳон" АА мухбири билан суҳбат чоғида Берлин минтақасида 4-сайёҳлик ярмаркаси ва унда Ўзбекистоннинг иштироки брасидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Берлин марказида ўтаётган ушбу сайёҳлик форумида дунёнинг кўплам мамлакатлари қатори Ўзбекистон бўйлаб сайёҳлик дастурларини ҳам Германиялик сайёҳчиларга тақдир этилган мамнуният билдирди.

— Утган йили Ўзбекистонга борган сайёҳларимиз сизнинг гўзал мамлакатингиз — "Буюк Ипак

**«Жаҳон» АА,**  
Берлин

## ■ Фурур

Юртимизда ҳар бир байрам доимо кўтаринки кайфият ва зўр хурсандчилик билан нишонланади. Ватан ҳимоячилари кунини ҳам ана шундай муҳим саналаримиздан бири. Зеро, юрт тинчлиги, оsoйишталиги йўлида фидойилик билан хизмат қилаётган мард ўғлонларимиз ҳаммиша эъзозга, эътиборга муносибдирлар.

Жорий йилги тантаналар Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 20 йиллигига тўғри келди. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Қаримовнинг шу муносабат билан йўлаган байрам табриги халқимизга катта қувонч, чекиз гурур ва ифтихор ҳиссини бағишлади. Буни юртошларимизнинг самимий фикр-мулоҳазалари, дил изҳорларидан ҳам билиш мумкин.

# ВАТАН АЗИЗ ВА МУҚАДДАСДИР

**Соҳиб НАБИЕВ,**  
Қуролли Кучлар  
тизиминда ўтказилган "Энг илғор мутахассис" танловининг "Энг илғор взвод командири" номинацияси

— Биз истиқлол имкониятлари ҳақида қанча гапирмайлик, шунча оз. Чунки мустақиллик туфайли ҳаётимизда ёрқин саҳифалар очилди, эртанги кунга бўлган ишончимиз мустаҳкамланди, шаҳару қишлоқларимиз кўркам ва обод гўшаларга айланди. Турмушимизга янги мазмун олиб кирган бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Албатта, тинчликни таъминлаш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Буни бугун дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор киши жуда яхши англайди. Хусусан, ҳарбий қарама-қаршиликлар, маҳаллий урушлар, террорчилик ҳуруж ва яна қанчадан-қанча можаролар халқроқ хавфсизликка таҳдид солиб турибдики, улар бизни доимо хушёр бўлишга, огоҳликка чорлайди, фаровон ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

Президентимиз табригида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш борасида бошланган ислохотларини изчил давом эттириш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, взвод ко-

мандирлари зиммасидаги масъулият ҳақида алоҳида тўхталиб, шундай дейилди: "Бугунги кунда взвод командири ҳар томонлама кенг билим ва юксак профессионал маҳоратга эга офицер бўлиши, факултетада ва кескин шартроқларда ўзи мустақил равишда ностандарт қарорлар қабул қила олиши, ўзига бўйсунмаган бўлинмаларни жангда ҳам, кундалик фаолиятда ҳам моҳирлик билан бошқара олиши даркор". Биз келгусида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратамиз ва қўл остиимиздаги ҳарбий хизматчилар қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.



# Маҳаллийлаштириш: ИМКОНИЯТ, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ДАРОМАД

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корхонада Маҳаллийлаштириш дастури асосида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Жумладан, ўтган йили ана шундай чора-тадбирлар натижада қолиплаш чеҳи ишга туширилиб, илгари хоризнд валюта эвазига келтирилган бу турдаги муҳим детални тайёрлаш ўзлаштирилди. Умуман, қўшма корхонада дастур ижросини таъминлаш орқали йиғирмадан ортиқ турдаги хом ашёларни ўзимизда ишлаб чиқариш

йўлга қўйилди. Натижада маҳсулот таннархи арзонлашиши баробарида, корхона ўтган йили ўз миқдорига 1 миллион 200 минг донна диск етказиб беришга эришди. Айни пайтда "Евроосиё Тапо-Диск" жамоаси янги-янги муваффақиятлар сари дадил одимламоқда.

**Набижон СОБИРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.  
СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар.  
**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)** олган суратлар.

## Истиқболли лойиҳалар

"Хонобод" масъулияти чекланган жамиятининг паррандачилик цехлари илғор технологиялар билан жиҳозланган, парҳез таом ейтиштириш ҳажми кескин ошди.

### ■ Интилиш

Ҳозир бу ерда 60 мингдан ортиқ парранда парваришланмоқда. Жамоа аъзолари мавжуд ускуналарини янгиллаш орқали товуқлар сонини бир миллионга етказиш

ҳаракатида. Ушбу лойиҳа амалга ошган, 1500 тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланиши ва 50 та қўшимча иш ўрни яратилишига эришилди.

Яқунланган йилда вилоятда паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантириш бўйича умумий қиймати 16,8 миллиард сўмлик истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига беш мингдан зиёд киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

**О. ШОДНОАЛИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

# САРМОЯ — ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар юксак самара берапти. Буни давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бўш ётган биноларни эса салоҳиятли инвесторларга инвестиция киритиш шартини билан "ноль" қийматида сотиш натижалари яққол исботлаб турибди.

### ■ Қарор ва ижро

Хусусан, Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги 141-сонли қарорига асосан, 6 та объект инвестиция киритиш шартини билан "ноль" қийматида сотилиши белгиланган эди. Уларнинг қарийб ҳаммаси ўз эгасини топди.

— Янгиер шаҳридаги "Янги-ерўйиндустрия" давлат корхонаси шулардан бири бўлиб, унга қарашли собиқ автобаза биноси 2011 йил 17 майда олди-сотди шартномасига мувофиқ, профнастил ва пенопласт каби қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш

учун "Ixtyrochi-p №3761" масъулияти чекланган жамиятига жами 768,8 миллион сўм маблағини 2013 йил 1 октябрдаги қиритиш шартини билан "ноль" қийматида сотилган эди, — дейди Давлат мулки қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Икром Худойбердиев. — Шундан сўнг ушбу корхона оёққа туриб, яқунланган йилда режадаги 204,4 миллион сўм ўрнига 533,3 миллион сўм инвестиция киритишга муваффақ бўлди. Бу — 260,9 фоиз ўсишга эришилди, дегани. Кўриниб турибдики, жамоа аҳли ўз бизнесини ривожлантиришда белгиланган

имтиёزلардан оқилона фойдаланмоқда. Гап шундаки, ТИФ "Миллийбанк" Сирдарё вилояти филиали кўмағида Хитой Тараққиёт банкнинг узоқ муддатли хорижий кредит линияси ҳисобидан олинган 155,0 минг АҚШ доллари миқдориди кредит эвазига Хитой Халқ Республикасидан замонавий техника ва технология асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Пировардида корхонада 20 га яқин иш ўринлари яратилди, 450,0 миллион сўмликдан зиёд ҳажмда ишлар бажарилиб, хизматлар кўрсатилди.

Бу соҳада бошқарма ҳузуридаги "Давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонаси фаолияти тўғри йўлга қўйилгани, марказ зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб, амалиётга татбиқ этилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, давлат тасарруфидидаги бино ва иншоотлар бир-


ма-бир хатловдан ўтказилиб, 98 та объект аниқланди. 249 та ҳўжалик юртутвчи субъектга умумий майдони 40548,6 квадрат метрлик бино ва иншоотлар шартнома асосида ижарага берилди. Шундан 141 тасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини йўлга қўйди. Натижада 1000 га яқин иш ўринлари ташкил этилди. Утган вақт давомида 400 миллион сўмлик ижара тўлови ундирилгани ҳам эътиборга молик.

Дарҳақиқат, Давлат мулки қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналар қувватини янада оширишдан иборатдир.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ЖАҲОН**

24 соат ичида



**Антиқа экспонат**

Лос-Анжелесдаги санъат музейи галереяси антиқа экспонат билан бойиди.

Бу ерга рассом Крисс Бёрден томонидан ишланган келажак шаҳри макети олиб келинган. Унда минглаб автомобиллар қатнай оладиган ва устма-уст жойлашган магистраль

ҳамда 13 та поезд ҳаракати акс эттирилган. Ушбу йўллар кўп қаватли биноларни худди ўргимчак түри каби ўраб олган. Рассом макетни тайёрлашга беш йил вақт сарфлаган.

**Мураккаб жарроҳлик амалиёти**

Бельгияда одамнинг юз қисми муваффақиятли равишда кўчириб ўтказилди.

Бу дунёдаги энг мураккаб жарроҳлик амалиёти ҳисобланган, ҳозирча улардан 19 таси омадли аяқланган. Эътиборли жиҳати, бу сафар нафақат юз териси, балки суяк ва мушаклар ҳам алмаштирилди.

Шунга қарамай, миждо орти қундан сўнг мушак қили равишда гапириб, овқат ея бошлаган.

**Кўнгилсиз воқеа**

Италиянинг Неаполь шаҳрида бир вақтининг ўзида учта портлаш содир бўлди.



Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Улар солиқ ва жарималарни йиғиш билан шуғулланувчи "Equitalia" давлат муассасаси олдида амалга оширилган. Кўнгилсизлик оқибатида ҳалок бўлган ва жабрланганлар йўқ. Шунингдек, портлашлар ким томонидан содир этилгани ҳам аниқ эмас. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

2011 йилнинг 9 декабрь куни ҳам ушбу муассасадан нохуш воқеа юз берганди. Ушунда бу ерга жўнатилган кути "Equitalia" раҳбарининг қўлида портлаб кетганди. Оқибатда у жиддий тан жароҳати олган эди.

**Самолёт ҳалокатга учради**

АҚШнинг Массачусетс штатида унчалик катта бўлмаган самолёт кулаб тушди.

Кейп-Код ярим оролида юз берган мазкур ҳалокат оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмган. Лайнер ста-

жёр учувчи бошқараётган вақтда фожияга йўлиққан. Ҳалокат сабаблари ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**Масофа қисқаради**

Буёқ Британия ҳукумати Лондон ва Бирмингем шаҳарлари ўртасида поездлар юқори тезликда ҳаракатланувчи темир йўл қурилишига рухсат берган.

Умумий узунлиги 225 километрни ташкил этадиган мазкур "пўлат излар"да поездлар соатида 360 километр тезликда ҳаракатлана олади.

Бу эса Лондон ва Бирмингем шаҳарлари орасидаги масофани 49 дақиқа ичида босиб ўтиш имконини беради. Ҳозир ушбу йўналишдаги йўлни босиб ўтиш учун 1,5 соат вақт сарфланади. Манбага кўра, бу лойиҳанинг қиймати 32 миллиард 700 миллион фунт стерлингга тенг.

**Чекиш тақиқланиши мумкин**

Германиянинг бир қатор қорхоналарида иш вақтида чекиш тақиқланиши мумкин, дейилди "Bild" наشري хабарида.

Ушбу тақиқ мамлакат кичик ва ўрта бизнес муассасалари федерал иттифоқи президенти Марио Охофен томонидан илгари сурилган.

Ҳозирча ушбу тақиқ турлича кутиб олинмоқда. Хусусан, профессор Карл Лаутербах гарчи гап бу ерда чекмайдиганларни ҳимоялаш борасида кетаётган бўлса-да, бу қайси-дир маънода, сигарет чекувчиларнинг ҳақ-хуқуқлари поймол этилишига ҳам олиб келиши мумкинлигини таъкидлаган.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида молия-банк тизими мустақамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўзининг ижобий самараларини бериб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида банк тизимининг пишиқ-пухта ҳуқуқий-мезъёрий асоси яратилиб, унинг моддий-техник базаси мустақамланаётгани туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иккинчи тўлқини бошланган бугунги шароитда ҳам иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожланиш суръатлари сақланиб турибди. Яна ҳам қувонарлиси, тижорат банклари фаолияти дунё стандартларига мос эканлиги халқроқ рейтинг агентликлари томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

**«Савдогарбанк»:**

**ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ**

Дарҳақиқат, кейинги йилларда республикамиз банкларининг капиталлашув даражаси тобора ошиб, иқтисодий тармоқларини молиявий қўллаб-қувватловчи асосий манбага айланди. Бунга Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очик акциядорлик тижорат банкнинг Хоразм филиали фаолияти яққол мисол бўла олади. Нега деганда, мазкур филиал жамоаси аҳолини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш баробарида, мамлакатимизда 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган вазибалардан келиб чиқиб, узок мудатли ўсиш ва ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ҳамда барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам юксалишини таъминлаш ва уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишга алоҳида эътибор бермоқда. Натижада 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, кредитлар қолдиғи 3693,3 млн.

сўмни ташкил этди, яъни ўтган йил бошидагига нисбатан 2083,9 млн. сўмга кўпайтирилди. Сармолларнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификациялаш, шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, истикболли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди. Бу ҳудудда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, Маҳаллийлаштириш дастурини изчил рўёбга чиқариш борасида имкониятларни кўпайтирди. Чунончи банк филиали томонидан «Хоразм шакар» очик акциядорлик



жамияти қошидаги «Умидли чорва» шўба қорхонасига паррандачиликни ривожлантириш учун 200 миллион сўмлик кредит берилган эди. Қорхона ажратилган маблағга хориждан хароратни бир хилда сақлайдиган фанерлар сотиб олди. Бундан ташқари, «Яшнар» хусусий фирмасига гишт ишлаб чиқариш мақсадида хом ашё ва қурилиш материаллари сотиб олиш учун 102,1 миллион сўмлик кредит берилган, бу ерда иш ҳажми 5-6 баробарга ортиб, 450 миллион сўмликдан зиёд қурилиш ишлари бажарилди. Этти та иш ўрни яратилди.

дан унумли фойдаланиб, алюминий ва пластик профилли эшик ҳамда ромлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг ҳисобига етти кишининг бандлиги таъминланди. Аҳолининг маиший шароитларини янада яхшилаш, айниқса, фуқа-

роларга уй-жой сотиб олишлари учун ипотека кредитлари ажратиш масаласи ҳам филиал жамоасининг доимий диққат-эътиборида турибди. Ушбу мақсадлар учун 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 298,85 млн. сўмлик маблағлар йўналтирилгани айти мурдао бўлди.

Вилоятда сервис хизмати кўрсатиш соҳаси ривожига ҳам банк филиалининг муносиб ҳиссаси бор. Урганч шаҳридаги «Гастроном Сомес» масъулияти чекланган жамиятига замонавий дўкон ва савдо мажмуаси қуриш учун 700 миллион сўмлик, «Урганч Прогресс» МЧЖга маиший хизмат кўрсатиш уйи ва дўкон барпо этишга 300 миллион сўмлик кредит ажратилгани бунинг ёрқин далилидир.

Бундай савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш қорхоналарига терминаллар ўрнатиш ишлари жадал давом эттирилиб, айти пайтда улар сони 87 тага етказилгани ҳам «Савдогарбанк»нинг 5325 донна пластик картчасидан фойдаланаётган мижозларга қулайликлар яратмоқда. Буни электрон ҳамёнлар орқали ҳисоб-китоб қилиш ҳажми тобора ошиб бораётганидан англаш мумкин.

Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очик акциядорлик тижорат банкнинг Хоразм вилояти филиали 2012 йилда ҳам ўтган йилги ютуқларни янада мустақамлашга интилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини молиявий рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадлар йўлида хизматлар кўрсатиш сифати ва кўламини муттасил яхшилаб ҳамда кенгайтириб боришни ўзига мақсад қилиб қўйган.

Ҳанифа ШАМШИЕВА.

**Реклама ва эълонлар**

**«SAGDIANA REAL SERVICE» МЧЖ**

савдолар залида 2012 йил 11 февраль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқориллаб борувчи очик аукцион савдосига қўйидаги объектлар сотувга қўйилишини маълум қилади.

**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор (собик Собир Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан, суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган:**

- «JOZIBA DSHA» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчасидаги офис биноси, умумий ер майдони — 676,45 кв.м., қурилиш ости майдони — 166,69 кв.м.
- Бошланғич баҳоси — 136 000 000 сўм.** «Ал-Азизбек АГТҚШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида жойлашган автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси, умумий ер майдони — 1606,76 кв.м., қурилиш ости майдони — 262,15 кв.м.
- Бошланғич баҳоси — 268 683 600 сўм.** «Жаҳон-жон» МЧЖга тегишли бўлган, Самарқанд тумани, «Богйобон» ҚФЙ ҳудудидаги АСГҚШ, умумий ер майдони — 9426,58 кв.м., қурилиш ости майдони — 409,96 кв.м.

**Бошланғич баҳоси — 1 424 716 000 сўм.**

Манзилмиз: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй. Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси.  
Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88, (+99866) 269-41-11.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Наманган вилояти филиали**

бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига қўйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:**

- Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 28 августдаги 16-1003-10310-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Наманган шаҳар бўлими томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Янгикўрғон кўчаси, 5-уйда жойлашган, «2523-автожамланма»га тегишли маъмурий бино ва дурадгорлик цехи бино-иншоотлари мулккий мажмуа сифатида.
- Бошланғич баҳоси — 151 240 812 сўм.** Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 29 ноябрдаги 16-1006-12009-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Наманган шаҳар бўлими томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 21-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1378,04 кв.м., умумий ер майдони 6538,27 кв.м. бўлган, «Наманган ободончилиги» МЧЖга тегишли маъмурий ва бошқа бино-иншоотлар мулккий мажмуа сифатида.
- Бошланғич баҳоси — 174 806 036 сўм.** Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 18 июндаги 16-1007-6503-сонли ижро варақаси ва бошқа

ижро ҳужжатларига асосан, суд ижрочилари Наманган шаҳар бўлими томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Бобур шохкўчаси, 80-уйда жойлашган, «Мўъжиза-Н» МЧЖга тегишли хом ашё ва материаллар омбори, бино-иншоотлар мулккий мажмуа сифатида.

**Бошланғич баҳоси — 183 914 654 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 3 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорларнинг ариза (талабнома)лари мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 га қадар «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади ва аукцион савдосига 1 кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй.  
Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.  
Лицензия: RR-001.

**ТАУФУН ПЛАСТИК**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга такдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР**, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЯ УЧИН ПРОСИЛ** — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Tsh 64-20438253-01: 2011

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ: **ООО «TAYFUN PLASTIK»**

**ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ**

«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные

ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:

**КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах**

для производства полипропиленовых мешков.

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

из расчета 25 кг полипропилену для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

**КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ**

Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.

ОМИХТА ЕМ 300,7 ▼ -32,8	ШРОТ 317,6 ▲ +8,0	ШЕЛУХА 129,8 ▲ +1,2	ПОЛИЭТИЛЕН 1-1561 4035,7 ▼ -0,1	ПОЛИЭТИЛЕН 1-1760 3352,8 ▼ -220,7	ПОЛИЭТИЛЕН 1-1561 4035,7 ▲ +446,9	МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5	СУЮЛТ. ГАЗ 880,0 ▲ +9,4	КЎМИР(60к) 40,3 ▲ +1,0
-------------------------	-------------------	---------------------	---------------------------------	-----------------------------------	-----------------------------------	---------------------	-------------------------	------------------------



Саломатлик

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар, тиббиётимиз ривож, эл саломатлиги муҳофазаси йўлидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар инъикоси ҳар бир шаҳару қишлоғимизда кўзга яққол ташланиб турибди. Айниқса, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг фаолияти, хусусан, кўплаб оғир хасталикларни самарали даволаш борасида эришилаётган ютуқлар кишини қувонтиради.

Республика Ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази:

НИГОҲЛАРДА ОЛАМ МУНАВВАР

Чунончи, Республика Ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази ана шундай шифо масканларидан биридир. Марказда хасталикларни аниқлаш, зарурат туғилганида жарроҳлик йўли билан тезкор даволаш борасида юқори натижаларга эришилмоқда.

— Энг муҳими, бу ерда республикамизнинг бирор бир клиникасида мавжуд бўлмаган "Даволаш назорати гуруҳи" тизими ишлайди, — дейди марказ бўлим бошлиғи Дилшод Абдуназаров. — Яъни ҳар бир даволаниб чиқаётган киши ушбу гуруҳ кўригидан ўтади. Бунда шифокорнинг беморга кўрсатган даволаш натижаси сифат жиҳатидан ўрганилади, текширилади ва ҳулоса қилинади. Муассасамизда жаҳондаги нуфузли офталмологик фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган тиббий асбоб-ускуналар бор. Шу боис ҳозир мамлакатимизда ба-

жарилаётган юқори технологияли жарроҳлик амалиётларининг етимиш фойзидан ортиги Республика Ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мутахассислар малакасини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли ёш ва истеъдодли шифокорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Марказ ходимлари АҚШ, Жанубий Корея, Россия, Бельгия, Италия, Хиндистон каби мамлакатларга бориб, малакаларини оширишмоқда. Ўз навбатида, у ердаги мутахассислар ҳам марказимизга келиб, юртимиз шифокорларининг тажрибаларини ўрганмоқдалар.

— Саломатлик — энг бебаҳо неъмат. Афсуски, бунинг қадрига ҳар доим ҳам етáverмаймиз, — дейди марказга шифо илминда келган беморлардан бири Мавлуда Маҳмудова. — Икки ой илгари кўзим хиралашиб қолганидан ни-

ҳоятда ташвишландим. Нима бўлди экан, деб минг хил ўй-хаёллар билан бу ерга келдим. Марказнинг ширинсухан шифокорлари мени бир зумда қабул қилишиб, аниқ ташхис қўйишди. Ҳозир даволанаяпман. Кўришим ҳам анча яхшиланди. Худди қайтадан дунёга келгандек ҳис қилаяпман ўзимни. Шифокорларга раҳмат, барака топишсин.

Тўрт мучаси соғ, жисмонан ва руҳан тетик инсон ҳаёт завқини туйди, эзгу ташаббуслар, хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшсам, дейди. Бинобарин, Республика Ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказида ҳам ўз дардига даво излаб келаётган беморлар кўзига нур, қалбига сурур бахш этишга қаратилган илмий изланишлар олиб боришмоқда, энг сўнги тажрибалар ўзлаштириляптир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Яхши хабар

Наманганлик ёш каратэчилар Хиндистоннинг Дехли шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этиб қайтишди.

Ҳаётларимизнинг Хиндистондаги муваффақияти

Малайзия, Сингапур, Ўзбекистон, Индонезия каби давлатлар вакиллари қатнашган мазкур мусобақада Наманган шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчилари Одиҳон Маъруфонов ва Анваржон Солиев олтин медалларни қўлга киритишди. Поп туманидаги 19-умумтаълим мактабининг ёш спортчилари Мадина Ёқубова ҳамда Элёр Норбоев эса кумуш медалга сазовор бўлишди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Истиклол йилларида Президентимиз раҳнамолигида миллий анъана ҳамда қадриятларимизни тиклаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида миллий спортимиз — кураш ҳам жадал ривожланиб, халқаро миқёсда юксак эътирофга сазовор бўляптир.

Анжуман

Мазкур спорт тури бўйича мунтазам равишда жаҳон, қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар ўтказилаётгани бунга ёрқин бир мисолдир.

"Polvonlar" milliy ensiklopediyasi" жамияти ташаббуси билан Миллий олимпия қўмитасида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз борди. Тадбирда жорий йилнинг ёзида Литванинг Шяуляй шаҳрида ўтказиладиган Халқаро спорт ҳамма учун ассоциациясининг (TAFISA) V Бутунжаҳон ўйинларида Ўзбекистон вакиллариининг илк бор иштирок этиши билдирилди. Айтиш жоизки, "Polvonlar" milliy ensiklopediyasi" жамияти ўтган йили мазкур халқаро ассоциациянинг тўла-

қонли аъзолигига қабул қилинди. Бу эса ассоциация томонидан ташкил этиладиган нуфузли анжуманларда Ўзбекистон вакиллариининг иштирок этиши учун ҳам имконият яратди. Хусусан, Литвада бўладиган мусобақада юртимизнинг туризм салоҳияти, ўзбек халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари намойиш этилади.

Шу ўринда Халқаро спорт ҳамма учун ассоциацияси ў ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Ушбу ташкилот 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти оммавий спортни халқаро миқёсда тараққий эттиришга, бу йўлда халқаро анжуманлар ва мусобақалар ўтказиш каби эзгу мақсадларга қара-

тилган. Унга дунёнинг 130 га яқин мамлакати аъзо. Шу пайтгача ассоциация томонидан тўртта Бутунжаҳон ўйини Бонн, Бангкок, Ганновер ва Пусан шаҳарларида муваффақиятли ўтказилган. Мусобақалар ҳар тўрт йилда бир марта ташкил этилади.

— Юртингизда Президент Ислам Каримов бошчилигида спортнинг барча турларини оммалаштиришга, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу ҳавас қилишга арзийди, — дейди Халқаро спорт ҳамма учун ассоциациясининг V Бутунжаҳон ўйинлари директори Кеститус Петрейтс. — Республика-миздаги мавжуд шарт-шароитлар билан яқиндан та-нишиб, бунга яна бир қарра амин бўлдим. Бу соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган эзгу ишларнинг ажралмас бир қисmidir.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди. Фозилдин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 3 ЯНВАРДАН 6 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

1. Давлат рўйхатдан ўтказилди: 1. «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хусусийлаштирилган объектларнинг фаолият соҳасини ўзгариштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга ўзгариштириш кўчирини йўқотган деб топилган тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мўлкини бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 9 декабрдаги 01/17-18/14-сонли қарори. 2012 йил 4 январда 1207-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 14 январдан кучга қиради).

2. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим машаққатли миқдорларини ўзгариштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2011 йил 21 декабрдаги 9, 80, 85-сонли қарори. 2012 йил 4 январда 2308-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 14 январдан кучга қиради).

3. «Нефть ва газ конларининг қидирув ишлари, қудуқларни бурғилаш, синаш ва ишга туширишдаги технологик жараёнлар устидан назорат қилиш тўғрисидаги низомга ўзгариштиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2011 йил 2 декабрдаги 271, 01/09-1462, 01/2445-сонли қарори. 2012 йил 6 январда 1285-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 16 январдан кучга қиради).

4. «Адлия вазирлиги 1997 йил 5 мартда 311-сон билан рўйхатга олган «Корхона, муассаса ва ташкилотлар сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг амалдаги ҳажмидан ЎзР Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига ўтказиладиган мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби»га (ЎзР Мо-

Advertisement for Mikrocreditbank. Title: «ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!» 2012 йил — Мустақкам оила йили муносабати билан «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки «ЭНГ ЯХШИ ОИЛАВИЙ БИЗНЕС-ЛОЙИҲА» танловини эълон қилади. Includes an image of women in traditional dress and a list of prizes.

Advertisement for Gazel Business vehicles. Title: «ГАЗЕЛЬ БИЗНЕС» АВТОМОБИЛЛАРИ. Lists various models like GAZ-32213, GAZ-2705, GAZ-3302, and GAZ-330200 with their specifications.

Advertisement for SOTAMIZ. Title: СОТАМИЗ: • ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ\* 15 кВтдан 2000 кВтгача • БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача • НЕФТЬ, ГАЗ ВА КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР\* турли хил ҳажмлар, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турвчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар. • ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА. Office tel.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32. Mob. tel.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10, (+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25. e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 254,6 ▲ +12,9 ЦЕМЕНТ (пц400 д220) 235,5 ▼ -2,6 АРМАТУРА 3404,6 ▼ -333,8 ШИФЕР (1 лист) 17772,8 ▲ +63,8 АЗОТ. ФОСФОР УЎГИТИ 370,1 ▲ +0,5 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Footer section containing contact information for Boz Muxarrir Utkir RAHMATOV, phone numbers, and a list of subscribers.